

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ФИЛОЛОГИЯ ВА САНЪАТ ФАКУЛЬТЕТИ
“Музыка таълими” кафедраси

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШ

**Мавзу: Отажон Худойшукуровнинг ўзбек музыка санъати ривожига
қўшган хиссаси**

Бажарди: “Музыка таълими” кафедраси
талабаси Ражабов Сардор

Илмий раҳбар: катта ўқитувчи Қазақов
О.

Урганч - 2012

Мавзу: Отажон Худойшукуровнинг ўзбек мусиқа санъати ривожига қўшган хиссаси

Режа:

Кириш.

I-боб. Отажон Худойшукуровнинг ҳаёти, ижоди ва у ҳақида хотиралар

1.1. Отажон Худойшукуровнинг ҳаёти ва ижоди

1.2. Отажон Худойшукуров ҳақида хотиралар

II-боб. Отажон Худойшукуров ижод этган қўшиқлар ва “Биринчи мухаббатим”
қўшиғининг тахлили

2.1. Отажон Худойшукуров ижод этган қўшиқлар

2.2. “Биринчи мухаббатим” қўшиғининг тахлили

Хулоса.

Илова

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

Кириш

*Мархумлар рухига бағишлаб тиловат қилиш, улар хотирасини, арвоқларини
яхшилик билан тилга олиш энг яхши урф-одатларимиздан биридир*

И.А. КАРИМОВ.

Қоронғу тунларда осмонга боқсангиз унинг хадсиз-худудсиз пештоқларида милтиллаб турган беҳисоб юлдузларга кўзингиз тушади. Булар биздан неча миллион йиллик узоқ осмон чироқлари. Улар шу қадар кўпки, сонини ҳисоблаб чиққан фалакиёт фанини сув қилиб ичган зукко билимдонлар ҳам, мунажжимлар ҳам бўлмаган бўлса ажаб эмас. Аммо, одамзодни кўкка боққан сари сеҳрлайдиган яна бир хайратли мўъжиза - ҳали ҳеч бир донишманд еча олмаган буюк бир тилсим бор: бу - ўша юлдузларнинг қай бири йердан қанчалик узоқларда жойлашгани бўлса, шунчалик жимжимадор, ёйғ ва равшан чарақлаб, кўнглингизга ажиб бир шукуҳ, завқ-шавқ, юракларга орому ўзгача бир нурафшонлик баҳшида этишидир.

Санъатнинг ҳам ўз ёйғ осмони жозиб ва мафтункор пештоқларини ҳам жилолантириб, яшнатиб турган сон-саноксиз, зиёбахш, чакноқ юлдузлари бор.

Албатта, санъат осмонида юлдуз бўлиб порлаш ва бу осмонда порлоқ юлдуз бўлиб қолиш ҳар ким, ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Хоразмда азалдан буюк санъаткорлар эл кўнглини уларининг сеҳрли овозлари билан лол қолдириб ўтишган: Мадрахим Ёқубов (Шерозий), Хожихон Болтаев, Бола бахши Абдуллаев, Комилжон Отаниёзов, Рўзмат Жуманиёзов, Султонпошша Рахимова, Назира Юсупова ва бошқалар.

Бу юлдузлар силсиласини эса яна бир эл севган ва ардоқдаган машҳур хофиз Отажон Худойшукуровсиз тасаввур қилиш қийин. Мўътабар бу ном неча минглаб, миллионлаб юракларни қарийиб ўттиз йилдан ортиқ вақт мобайнида ларзага солмаган, кўнгилларга ажиб бир тароват, қувонч-севинч, хаяжон ва лаззат, шарбатлардан тотли завқ-шавқ бағишламаган дейсиз?!

Отажон Худойшукуров дили қўшиқга пайванд туркийзабон халкларнинг барчаси учун ҳам бирдай ардокли, бирдай қадрдон, бирдай мафтункор эди.

Отажон Худойшукуров Ўзбекистан, Қорақалпоғистон, Туркменистон ва Татаристон республикалари халқ артисти, Давлат мукофоти лауреати эди.

Отажон Худойшукуровдан бизга жозибадор, бир-биридан гўзал ва оханграбо қўшиқлар, мумтоз ашулалар, мақомлар бебахо мерос бўлиб қолди. Булар эл-юртнинг, маънавиятимизнинг, шукухли санъатимизнинг дурдона мулки бўлиб, келажак авлодга ҳам буюк хофиздан боқий ёдгорликдир.

Бунга мисол тариқасида Отажон Худойшукуровнинг илк қўшиқлар гулдастаси нотага олиниб, элимизга тухфа этилмокда. Улкан санъаткорнинг қўшиқларини ноталаштиришган хурматли устозимиз Самандар ака Худойбергановнинг илк китоби буюк хофиз Отажон Худойшукуров таваллудининг 60-йиллигига унинг камтарона бир тухфасидир.

Хозирда у туғилиб ўсган Тўрткўл шаҳридаги маданият саройи ва битта кўча, Бўстон шаҳарида ҳам маданият сарой ва битта кўча унинг номи билан аталмокда. Отажон Худойшукуров номидаги халқаро жамғарма фаолият кўрсатмокда. Элликкалча туман ҳокимлиги ташаббуси билан Бўстон шаҳрида Отажон Худойшукуров хотирасига бағишлаб ёш ижрочиларнинг «Нафосат бўстоним менинг» номли республика қўшиқчилар кўрик танлови ўтказилди.

Машхур ўзбек хонандаси ва созандаси Отажон Худойшукуров хонандалик санъатини пухта эгаллаб, халқнинг хурмат ва эътиборига сазовор бўлган ва самарали ижод этган, ўзбек қўшиқ санъатининг нодир намуналарини ижро этиб, чет эл қўшиқ мухлисларининг ҳам олқишларига сазовор бўлди.

1.1. Отажон Худойшукуровнинг хаёти ва ижоди

*Бу нима? Кўринмас
қандайин оқим?
Ерданми, кўкданми
келар бу садо?
Нахот тупроғимда
кўзга ташиланмай,
Оқиб ётар улуг
учинчи дарё?*

Отажон аканинг ўктам хонишлари Жайхундай тошиб оқаётган қўшиқлар дарёси... Чиндан ҳам Отажон Худойшукуровнинг қўшиқлари учинчи дарё бўлиб эл қалбида мангу тўлқинланаверади деб ёзади шоир Омон Матчон.

Отажон Худойшукуров! Бу ном миллионлаб қўшиқсеварлар қалбидан чуқур жой олган. Ханузгача унинг бетакрор овози жаранглаб туради. У санъат учун яралган эди. Отажон Худойшукуров бор йўғи эллик йил умр кўрди. Ана шу фурсат мангуликка дахлдор бўлди. Асосан Хоразм йўлида қўшиқ куйлаб, мумтоз ашулаларга “жон” берганлиги, шарк, ва туркийзабон халқлар мулкига айланди.

Созанда ва хонандаликда эришган ютуқларини, бу мураккаб санъат турларининг нозик сирларини шогирдларига кунт билан ўргатиб, кўплаб истеъдодли созанда ва хонандаларни ҳам тарбиялаб вояга етказди. Истеъдодли ўзбек хонандаси ва созандаси Отажон Худойшукуров «Ўзбекистон халқ артисти», «Татаристон халқ артисти», Туркманистон халқ артисти», «Қорақал - поғистон халқ артисти» унвонлари билан тақдирланган ҳамда Хамза номидаги Ўзбекистон, Бердақ номидаги Қорақалпоғистон Давлат мукофотларининг лауреати бўлди.

Машхур ўзбек созандаси ва хонандаси Отажон Худойшукуров 1944 йилнинг 4-октябрида Қорақалпоғистон Республикасининг Тўрткўл шаҳрида таваллуд топди. Отажон ўз тенгқурлари қатори ўрта мактабда ўқиди.

Ўқувчилик йилларидаёқ мусикага, санъатга меҳр қўйиб ўсди. Ширали овози билан дуст-ёрларини хушнуд қилиб юрди. Кўрик танловларда қатнашди. Дастлаб қўлига соз олганида тўққиз яшар бола эди. Шу-шу байрам тадбирлари усиз ўтмайдиган бўлди. Унинг қўшиқчи бўлишида тоғаси Йўлдош Оллашукуровнинг хиссаси катта. У киши кейинчалик Отажонни машхур қўшиқчи Комилжон Отаниёзов билан таништирди, шогирдликка берди. Авваллари ўспирин Отажон Қувондиқ Искандаров ва Жуманазар Бекжоновга тақлид қилиб юрди. Комилжон устоз унга “ўз овозинг билан айт, овозингни баралла қўй” деб насихат қилгач, ўз йўлини танлади ва адашмади.

У ёшлигидаёқ халқ ичида машхур бўлди. Ўзбекистон, Туркменистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Комилжон Отаниёзов оқ фотихасини олиб катта санъат йўлига кирди.

Ёш Отажон 1958-йилда 14 ёшида ғолиблик суруридан бахраманд бўлди. Бу гал у Ўзбекистон Республикаси миқёсида ўтказилган ёш қўшиқчиларнинг ана шундай анжуманида биринчи даражали диплом билан тақдирланиб, биринчи ўринни қўлга киритди. Хожихондек, Шерозийдек, Комилжондек улуғлардан ижро санъатини ўрганиб, ўз махоратини йилдан - йилга ошираверди.

Отажон Худойшукуров нихоят 1963 йилдан (20-ёшидан) бошлаб то 1990 йилгача Бердақ номидаги Қорақалпоғистон Давлат филармониясининг “Аму тўлқини” деб аталган ашула ва рақс ансамблида фаолият кўрсатди. Ўзи ҳам ана шу ансамблда ўн саккиз йил давомида бадий раҳбарлик қилди. Отажон Худойшукуров «Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артисти» унвони билан тақдирланганда эндигина 23-баҳорни қаршилаган эди.

Ўша даврларда унинг қўшиқлари радио ва телевидение тўлқинлари бўйлаб тарала бошлади. Ширали ва янгроқ овози қисқа фурсатда қўшиқ шинавандалари эътиборини тортди. Ўзбекистон санъати осмонида яна бир юлдуз балқиб чиқди. Отажон Худойшукуров Хоразм қўшиқчилиқ санъатини мутлақо янги пағонага кўтарди. Мумтоз қўшиқларга ўзгача жило берди. Баланд пардаларга кўтариб қуйлади. Унинг овози бошқа ашулачиларникига сира

ўхшамас, авжи бетакрор эди. Хозиргача Отажон Худойшукуров куйлаган кўшиқларни ҳеч ким такрорлаёлмаяпти. Миллий ва замонавий оханглар уйғунлигида юзлаб такрорланмас кўшиқлап ижро этди. Унинг ижодида севги ва мухаббат ўлмас мавзу бўлиб қолди. Достонлардан халқона кўшиқлар яратди. Мумтоз ва замонавий шоирлардан Алишер Навоий, Огахий, Феруз, Бердақ, Махтумқули, Мулла Нафас, Машраб, Хислат, Партав ва Омон Матжон, Абдулла Орипов, Ошиқ Эркин (Мадрахимов), Иброхим Юсупов, Эркин Самандар ва бошқа шоирларнинг шеърлари асосида яратган неча-неча дил яйратар кўшиқ ва ашулалари унинг эл - юртга келажак авлодларга бебаҳо иномларидир.

Озарбайжон, турк ва туркманча кўшиқларни завқ-шавқ билан айтди. Отажон Худойшукуров куйлаган “Биринчи мухаббатим” Абдулла Орипов шеъри, “Жайхун шамоллари” Иброхим Юсупов шеъри, “Айрилиқ” Бердақ шеъри, “Топмадим” Алишер Навоий ғазали, “Дарди дилим” Огахий ғазали, “Қувонадирман” Сайфи Нажмий шеъри, “Сўйла гўзал, кимни севар ёрисан” Сайфи Нажмий шеъри, “Кўринар” Омон Матжон шеъри, “Табассум қил” Омон Матжон шеъри, “Умр ўтар вақт ўтар” Омон Матжон шеъри, “Эшигингдан ўтаман” Омон Матжон шеъри, “Мухаббатимни” Ошиқ Эркин шеъри, “Наргизларинг эй шўх” Ошиқ Эркин шеъри, “Севдим дилоромимни ман” Ошиқ Эркин шеъри, “Оламда бир” Ошиқ Эркин шеъри, “Шайдо денглар” Сафо Очил шеъри, “Ширин” Сафо Очил шеъри, “Аста-аста” Зарифий шеъри, “Хабар юбордим” Қадам Саидмуродов шеъри, “Билиб бўлмас” Машраб ғазали, “Дастингдан” Машраб ғазали, “Қошима” Машраб ғазали, “Ишқ балосидин” Машраб ғазали, “Кел эй дилбар” Машраб ғазали, “Соғинаман” Ошиқ Эркин шеъри, “Жудолиғни” Машраб ғазали, “Соғиниб” Ишқжон Иброт шеъри, “Эй фалак” Машраб ғазали, “Йўқдир” Омон Матжон шеъри, “Гуллола келтирибди” Эркин Самандар шеъри, “Саломларинг ёдимда” Омон Матжон шеъри, “Ташлай - ташлай гетарсан” Махтумқули шеъри, “Ёр уёнмадинг” Сафо Очил шеъри, “Лазги” халқ сўзи ва бир қанча достонлардан куйлаган минглаб, миллионлаб тингловчиларнинг қалб қўридан жой олди.

Отажон Худойшукуров 300 дан зиёд ашулаларни куйлаган. У илохий овоз сохиби бўлиши билан бирга туғма халқ санъаткори эди. Катта тантанали концерт ва тўйларнинг кириш қисмини “бағишлов” билан бошларди. Бу эса ўша йиғинга ўзгача кайфият бағишларди.

Замондошлари Отажон Худойшукуровни ўта камтарин, сахий ва самимий, дилкаш инсон сифатида ёдга олишади. У оддий халқни, меҳнаткашларни севарди. Ўз вақтида Комилжон Отаниёзовнинг “Амударёнинг нариги ёғида тенгдошларидан ўзининг худо берган овози билан ажралиб турадиган, талантда тенги йўқ бир йигит бор. Уни Отажон Худойшукуров дейдилар. Санъат бўстониининг эртанги булбулиям, фахриям ўша йигит бўлади. Унинг овозидаги имконият чоксиз-чегарасиз. Хали мени айтди дерсиз деганлари ҳақ бўлиб чиқди. У ўзбек санъатида ноёб овоз сохиби сифатида, фалакда қуёш каби ҳамон кезиб юрибди.

Истеъдодли ўзбек хонандаси ва созандаси Отажон Худойшукуровнинг ўзбек қўшиқ ва мусиқа санъатлари равнақидаги хизматлари учун Ўзбекистон, Туркменистон, Татаристон ва Қорақалпоғистон халқ, артисти, Хамза номидаги Ўзбекистон, Бердақ номидаги Қорақалпоғистон Давлат мукофотларининг лауреати бўлди.

Отажон Худойшукуров тариқат қўшиқларини (йўлини қилиб) дахрийлик замонида ҳам қарсиллатиб айтди. “Хоразм сегохи”, “Катта сувора” ларнинг замиридаги тариқат ва ҳақиқат мақомларини энди-энди англаяпмиз. - Отажон Худойшукуров бу масалада миллий қахрамон, йирик афсона эди, деб ёзган эди ўз вақтида филология фанлари номзоди Тоштемир Турдиев.

1974-йили Отажон Худойшукуров юксак ижрочилик маҳорати учун Ўзбекистон Давлат мукофотни биринчилардан бўлиб олган қўшиқчилардан саналади. Мукофотга сазовор бўлган пайтда у 30 ёшдаги йигитча эди.

“...Отажон Худойшукуровдай санъаткор 100 йилда бир туғилади. Унақаси энди бўлмайди”..., деб айтган эди хофиз ижодига бағишланган 1995 йилги телекўрсатувнинг бирида Ўзбекистон халқ артисти Шерали Жўраев.

Унинг қўшиқлари ўзи каби такрорланмасдир. Халқнинг кўнглида

шундайлигича қолди. Отажон Худойшукуров халқи учун, санъат учун ўзини аямай хизмаг қилди. Унинг ижодида завқли, шавқли, махзун ва сокинли кунлари кўп бўлди. У доирачи Рустам Оллашукуров билан жўр бўлиб қўшиқ қуйлаган дамларини ижодининг энг юксак чўққиси деб билди.

Отажон Худойшукуров ўзбек халқ кўшиғини, Саудия Арабистони, Туркия, Россия каби хорижий мамлакатларда ижодий сафарларда бўлиб, ўзбек кўшиқ санъатининг нодир намуналарини ижро этиб, чет эл кўшиқ мухлисларининг ҳам олқишларига сазовор бўлди. Созанда ва хонандаликда эришган ютуқларини, бу мураккаб санъат турларининг нозик сирларини шогирдларига кунт билан ўргатиб, кўплаб истеъдодли созанда ва хонандаларни тарбиялаб вояга етказди. У бир қанча кўшни республикаларда концерт гастролларида бўлди. Тўйларида хизмат қилди. Тожикистонлик хушовоз хонанда Жўрабек Муродов, озарбайжонлик хонанда Рашид Бейбутов билан дўст эди. Ўзбекистон халқ артистлари Ортиқ Отажонов, Шерали Жураев, Камолиддин Рахимовлар билан ҳамфикр эди. Умуман уни хама жойда кадрлашарди. Афсуски, бешафқат ўлим 1994- йили уни орамиздан олиб кетди. Машъум хабар бутун элни ларзага солди. Унинг ўлганига ҳеч кимнинг ишонгиси келмасди. Йўлларга халқ кўз ёши билан чиқиб, машхур хофизни сўнгги йўлга маънос кузатдилар. У бир умр Тўрткўлда яшаб ижод қилди. Қишлоқда яшаб ҳам санъат чўққисига чиқиш мумкинлигини исботлади. Эллиққала туманининг “Норинжон бобо” қабристони кириш жойидаги ўнг томонда гулларга бурканган катта қабр бор У зиёратчилар билан ҳар куни гавжум. Қабр этагидан мулла эса мархум хофиз рухига қуръон оятларини бағишлайди. Бу ер айниқса, хофиз туғилган куни ва вафот қилган кунлари республикаимиз турли бурчагидан келган зиёратчилар билан гавжум бўлади. Улар машхур хофизни ҳеч қачон унутмайдилар.

Хофизнинг иккинчи мангуликка дахлдор умри давом этмоқда. Оромижон кўшиқлари эл-юрт хизматида. Қорақалпоғистон Республикасининг Бўстон шаҳрида ҳар икки йилда Отажон Худойшукуров хотирасига бағишланган кўрик-танлов ўтказиляпти. Эллиққалъа туманида

халқаро Отажон Худойшукуров жамғармаси фаолият олиб бораяпти. Унинг номига кўчалар, санъат саройи ва санъат лицейи қўйилган. Зеро хофизнинг умри қўшиқлари каби барҳаёт.

1.2. Отажон Худойшукуров хақида хотиралар

Ушбу рукунда ўзининг унитилмас қўшиқ ва ашулалари билан халқимиз қалбидан жой олган хуш овоз хофиз Отажон Худойшукуров хаёти ва ижодий фаолияти хақида турли кишилар томонидан ранг-баранг фикрлар билдирилган хотиралар жамланган.

Отажон Худойшукуров Ўзбекистон санъати осмонида юлдуздек балқиб, қалбларда ёрқин из қолдирган оташин санъаткор самимий ва дилкаш инсон сифатида ҳам қалбларда барҳаёт эканлигига амин бўласиз.

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон халқ шоири,
Ўзбекистон Қахрамони.

СЕХРЛИ ОВОЗ СОХИБИ

Мен санъатшунос эмасман, балки санъатеварман. Хар холда, бир дақиқа ёхуд бир соатлик эрмакомуз хиргойи билан умрбоқий овоз қудратининг фарқига бора оламан. Чунончи, радио ва телевидениеда хар соатда қийшанглаб, маза-матрасиз жумлаларни ижро қилиб юрганларга ҳам, уларнинг мухлисларига ҳам чин дилдан рахмим келади. Шундай пайтларда айрича соғинч билан Мамуржон Узоқов, Комилжон Отаниёзов каби хофизларнинг ижро этган унутилмас қўшиқларини қўмсайман. Мана шу мўътабар хофизларнинг кейинги авлодларга мансуб санъаткорлар рўйхатида унутилмас Отажон Худойшукуровнинг ҳам ўз ўрни, ўз ўчмас номи бор.

Мен Отажон Худойшукуровнинг ихлосмандларидан бири эдим, холос. Отажон билан кўп ҳам суҳбатдош бўлмаганман. Отажон Худойшукуров ўз оригинал қўшиқларида ҳам ёхуд мумтоз қўшиқларни ижро этганида ҳам ўзига

хосликка доимо риоя қилар эди. Яъни адабиёт сўзи билан айтганда, у тақлидчи эмас эди. Чунончи, “Биринчи мухаббатим” номли шеъримни у бошқачарок охангга солиб куйлаган ва унинг ижросини ўзидан эшитганман. Отажон бугун орамизда йўқ. Бироқ унинг санъати яшайверади.

Омон МАТЖОН,
Ўзбекистон халқ шоири

УЧИНЧИ ДАРЁ

Мен Отажон Худойшукуровга учинчи дарё деб нисбат берган эдим. У шу номдаги шеъримни эшитишни яхши кўрар эди. Марказий Осиёнинг икки улуғ дарёси бор... Учинчи дарё бу юксалиш улуғлаш, мактов, кўп маъноли ишора, фахр.

Ха, илохий истеъдод намояндаси у.

У камтар инсон, самимияти юраги устида балкиб кўриниб турган сиймо эди. Катта билан катта, кичик билан кичик... Тўй кўп, давра кўп, Хожихон ибораси билан айсак, “Худо сўнгги имкон берди”, деб ҳар бир ижросига жонини нисор этолган хофиз у!

Отажон билан боғлиқ, юзлаб лавҳаларни келтиришим мумкин. Унинг кўшиқлари телефильмида мен ҳам сценарий муаллифи эдим. Телевидение хизматчиларининг унга “қайишиб” ишлашганларини биламан. Қизиғи шуки, бу телефильмда у бизни олис соғинч, армон, мавхум, тубсиз айрилиқ ҳақидаги эзгин рухли кўшиқларини киритишга ҳаракат қилаверди ва шу кайфият телефильмга кирди ҳам. Бу нима? Буюк хофиз не бир хижронни олдиндан туйиб, бизни ундан хабардор этишга шошилди экан? Дарёни не тўлқинлантирди?!

Элликкалча туман раҳбарлари, ишкибоз мухлислари Отажонни эслатадиган ҳар бир жихатига эътибор бериб, мунтазам унинг номидаги кўрик-танловларни ўтказмоқдалар. Эндиликда хонанданинг лазер дискини руёбга чиқаришга киришганлар.

Хофиз, демак энди эхтироснинг хотира қомусларида намоён бўлади.

Унинг билан кечган нурли лавхалар, унинг ноёб мероси, уни саклаш, асраш йўлидаги уринишлар миллатимиз қудратини, иктидорини, салохиятини эъзозлаш каби тахсинга лойиқ ишлардир.

Ошиқ Эркин
(Эркин Мадрахимов)

ТУРОН БУЛБУЛИ

Эллик йиллик умрининг деярли қирқ йилини Отажон қўлига тор олиб ўтказди. Қўлига рубоб ушлаганида эндигина учинчи синфни тугаллаётган, овози расида бўлмаган бўз бола эди. Тоғаси-элга таниқли санъаткор. Комилжон Отаниёзовнинг дўсти Йўлдош Оллошукуров ёнида доира чалиб юрган кезларида, хали мўйлови сабза урмаган ўсмир эди Отажон! Сўнг Комилжон акага қўл берди, улкан санъат дунёсига кириб келди...

Каминанинг Отажон хакидаги "Қўш сохил булбули" деб аталган катта бир кўрсатувим Хоразм телевидевиесида 1965-йилнинг куз кунларидан бирида намойиш этилганда, кўпгина санъаткорлар унга хавас ҳам, хасад ҳам қилишганди... Ўша эшиттириш матни Тошкент радиосининг хаво тўлқин - ларида янграганида камина номига ҳам, Отажон номига ҳам неча юзлаб миннатдорчилик мактублари келгани хануз ёдимда. Мактубларнинг айримлари -ни дўстим ижодига хурмат сифатида ҳамон саклаб келаман. Биз Отажон билан самарали ҳамкорлик қилдик. У менинг элликдан ортиқ қўшиғимга муסיқалар басталади. Бу қўшиқларнинг аксари ҳамон янграмоқда. Қисқа сермазмун умри абадиятга айланган дўстимнинг рухи шод бўлишини тилайман.

Отаназар МАТЁКУБОВ,
муסיқашунос, профессор.

ОТАЖОННИНГ ОТАШИН ҚЎШИҚЛАРИ

1969-йил 23 яшар хофиз Отажон Худойшукуров қўшиқларидан тузилган грампластинка чиқарилди. Унда халқ қўшиқлари ва мумтоз ашулалардан намуналар битилган эди. Бу такрор айтимлар хануз қолган эмас. Лекин унинг

ижросидаги бир асар хақида алохида тўхталмоқчимиз. Бу умрбоқий наволардан бири "Хоразм сегохи" дир. Ёш хофиз уни шундай махорат билан талқин этганки, бу ижродан ҳамон фақат хайратланиш мумкин. Чинакам санъат чексиз мўъжизага ўхшайди, унинг сир-асрорини ўлчайдиган тош-тарози йўқ, бу мўъжиза олдида ёш-карилик важ эмас эди. Отажон "Сегох"ни айтиб даврага чиққанида Хоразмнинг мақом усталари, забардаст хофизлари Хожихон Болтаев ва Комилжон Отаниёзовлар хали ижод чўққисида эди.

Хожихон ота талқинидаги "Сегох" ларнинг бир қанча вариантлари мухлисларига маълум. Комилжон ака ҳам уни ўзича харорат билан дўндириб қўйган, Лекин Отажон "Сегохи" ҳам ўзгача бир олам. Чиндан ҳам бу барча ижролар бетакрор, хар бирининг кадр-қиммати ўзгача. Уларда овоз санъати ва мақом санъати уйғунлашганини хис қиламиз.

Рахматли Жўраҳон Султоновнинг бир гапини эсласак: "Хофиз ашулани от қилиб миниб олиши лозим, тоқай у ижрода кўнгил истаган амални қила билсин". Отажон ҳам ашулани жиловлаб олиб, овозини баралла қўйиб, тикдан-тик авжлар, кутилмаган нола-ю, баланд хонишлар қиларди. Энг мухими, унинг юрак созига ярашиб тушиб, хар қандай тингловчини ҳам беихтиёр жалб этарди. Отажон ҳеч қачон шуҳратга интилмади. У оддий, чин кўнгилли одамларни жону дилидан яхши кўрар, руҳини кўтарар, кези келганда ўзини унутиб, улар хақида қайғурар эди. У ўз сўзини, ўз қўшиғини махсус ахтармади, дилига Амудай қуйилиб келган илхом билан қуйлади. Халкига беминнат хизмат қилиб, эътибор топди. Санъат оламида ўз қўшиғи, ўз йўлини топишга муяссар бўлди, санъатимиз хазинасини бебаҳо дурдоналар билан бойитди.

Матназар АБДУЛДАКИМ

МАНГУЛИК ЖАМОЛИ

Хаёт она алласидан бошланади, Ватан ҳам.

Демак, қўшиқ бизнинг вужудимизга, бинобарин, руҳимизга ҳам сут билан кирган. Сут билан кирганки, демак... жон билан чиқади... Бироқ... чиқармикан

жон билан?...

Отажон Худойшукуров хақида ўйлаганингда бу фикрга, шубха пайдо бўла бошлайди. Бу шубха ишончга, ишонч эътиқодга айланади. Йўқ, сут билан кирган қўшиқ жон билан чиқмайди. Қўшиқ бу-баланд парвоз рух, рух эса маълумингизким, жондан узоқ яшайди.

Тўрткўлда таваллуд топган. У куйлаган қўшиқлар, ким билсин қачон ва қаерда туғилган. Ишонасанки, бу қўшиқлар самоларда саргардон кезиб хофизнинг туғилишини кутган, жуда муштоклик билан кутган. Балоғатга етишига, овоз пайларининг мустаҳкамланишига илҳак кўз тутган. Бу қўшиқлар хофиз юрагига ташрифини бир дақиқа бўлсин кечиктирмаган. Шунинг учундирки, у балоғат ёшига етгач, ўзининг хайбатли бир рухдаги, жайхундек телбавор, Султонвайс тоғидек, илохий ва мухташам қўшиқлари билан элга танилди. У оёқ-тирноқдаридан тортиб, сочларининг учигача қўшиқлари билан тўлиб-тошган инсон эди. Унинг қўшиқлари бир дунё эди.

Шуни ҳам таъкидлаб қўйиш лозимки, Отажон Худойшукуровнинг қўшиқлари ҳам, улар нақадар хайбатли бўлмасин, ўз халқига хофиз мухаббатининг-да бир қатраси эди. Отажон оғанинг умри унинг буюк устози Хожихон Болтаевникидек узоқ бўлганидами эди, балки айтмаган қўшиғи, олмаган мукофоти қолмас, бироқ буларнинг хар иккаласи бизга камдек туюлаверган бўларди.

Самандар Худойберганов

Улкан санъаткорнинг қўшиқларини ноталаштиришган Самандар Худойбергановнинг илк китоби “Отажон оташин қўшиқлари” деб номланган бўлиб у буюк хофиз Отажон Худойшукуров таваллудининг 60-йиллигига ҳам унинг камтарона бир тухфасидир.

ДИЛ ИЗХОРИ

Етмишинчи йилларнинг энг жўшқин ёшу қарига бирдай манзур даври-даврон хофизларидан бири Отажон Худойшукуров эди. У нафакат оташнафас хофиз, шайдойи ижодкор, балки катта устозларга хос бўлган эътиқоди баланд

хамда химматли инсон бўлиб ўтган. Бугун О. Худойшукуров хаёти ва ижодидан оладиган ибратли томонлари кўп.

Муסיқа хақидаги фикр, оддий қилиб айтганда соз ва суҳбат доим ёнма-ён юради. Куй ва қўшиқ факат парда, усул, оханг ва ижродан иборат эмас. Қўшиқда бундан ташқари яна нимадир бор. Мажозий қилиб айтганда, қўшиқнинг каноти, рухи, яъни ифодаланган хис-туйғулар шуури. Шунинг учун ҳам куй – қўшиқ эшитиб, ундан таъсирланган, кўнгил мулохаза талаб қилади. Ана шу туйғуларни изхор этиш учун сўз ахтариб қоламиз. Отажон оға билан бўлган мулоқотларимизда ана шундай хикматли фикрларни кўп изхор этар эдилар.

Отажон акадаги фазилатлардан бири очиқ кўнгиллик эди. Биз ёшларни ўзининг фарзанди қаторида кўриб очиқ-ойдин маслахатлар берарди. Ана шу маслахатлардан мени бир умрга эсимда қолгани эшитувчи мухлисга хурмат-эътибор билан қарашлик. Катта тўйларда хаттоки бир оддий бола ҳам бирон бир ашулани айтиб беришни сўраса, илтимосини ерда қолдирмас эди.

Бунинг устига ўзининг хофизлик хизматини тўй соҳиби ким бўлишидан қатъий назар, бой ёки камбағаллигига қарамасдан чин кўнгилдан ҳалол хизмат қилишга одатланган эди.

Отажон устознинг бошқа кўплаб санъаткорлардан фарқи ижодий баркамоллигида эди. Бу жиҳатдан Отажон оға нималари биландир Хожихон, Комилжон каби беназир устозларга ўхшаб кетарди. Бу улуғ созандаларнинг ижод мезонини ўлчайдиган тарозининг ўзи йўқ албатта. Лекин шуниси аниқки Хожихон ота, Комилжон ака ижролари битилган магнит ёзувларини эшитиб хайрон қолишдан бошқа илож йўқ. Чунки улар бир айтган йўлини, (ғазал ёки мухаммасини) охангу-ноласини такрорлаб ўтирмайдилар. Бу ижроларда ижод нашидаси жўшиб, барқ уриб туради. Отажон оға қўшиқларида ҳам ана шундай ижодий интилишлар мавжуд.

2.1. Отажон Худойшукуров ижод этган қўшиқлар

Санъатнинг башарият ҳаётидаги ўрни, муסיқанинг инсон рухиятига ижобий таъсири бекиёс. Дунёда мусиқани севмайдиган, ундан таъсирланмай - диган одам кам. Мусиқада шундай бир сеҳрли куч мужассамки, уни тушуниш, таъсирини сезиш учун таржимоннинг зарурати йўқ. Зеро, азалдан мусиқа одамларимизнинг қалб туйғулари, рухий кечинмалари билан чамбарчас бўлиб, ҳаётимизнинг узвий қисмига айланган.

Айнан миллий мумтоз санъатимиздан жаҳон ахлини баҳраманд етиш имконияти пайдо бўлди. Кўплаб санъаткорларимиз жаҳоннинг турли мамлакатларида ўзбек миллий мусиқасини бор жозибаси ва гўзаллиги билан намойиш эта олганлари мақом санъатининг жаҳон миқёсидаги ихлосмандлари сафи тобора кенгайишига сабаб бўлди.

Ўзининг бетакрор санъати ва бой мероси билан ўзбек мусиқа маданияти ривожига улкан хисса қўшган санъаткор Отажон Худойшукуров фаолияти, унинг умрбоқий меросини ўрганиш, ёшлар орасида кенг тарғиб ва ташвиқ этишга алоҳида эътибор қаратмоқда ҳам фарз хав қарздур.

Дарҳақиқат машхур ўзбек созандаси ва хонандаси Отажон Худойшукуров ўз эришган ютуқларини, бу мураккаб санъат турларининг нозик сирларини шогирдларига қунт билан ўргатиб, кўплаб истеъдодли созанда ва хонандаларни ҳам тарбиялаб вояга етказди.

Ушбу бобда Отажон Худойшукуров ижро этган мақом, сувора ёки достон йўллариغا батафсил тўхталиб ўтирмасдан, санъаткорнинг ўзи овозига, пардасига мослаб ишлаган қўшиқлари, ижод намуналарини номларини келтирдик, холос. Яна бир эътиборли томони шундаки, ушбу қўшиқларнинг барчаси бизнинг авлод вакиллариغا таниш, қулоғимизда жаранглаб тургандек.

Отажон Худойшукуров ижодидаги қўшиқлар “Биринчи мухаббатим” Абдулла Орипов шеъри, “Жайхун шамоллари” Иброҳим Юсупов шеъри, “Айрилиқ” Бердақ шеъри, “Топмадим” Алишер Навоий ғазали, “Дарди дилим” Огахий ғазали, “Қувонадирман” Сайфи Нажмий шеъри, “Сўйла гўзал, кимни

севар ёрисан” Сайфи Нажмий шеъри, “Кўринар” Омон Матжон шеъри, “Табассум қил” Омон Матжон шеъри, “Умр ўтар вақт ўтар” Омон Матжон шеъри, “Эшигингдан ўтаман” Омон Матжон шеъри, “Мухаббатимни” Ошиқ Эркин шеъри, “Наргизларинг эй шўх” Ошиқ Эркин шеъри, “Севдим дилоромимни ман” Ошиқ Эркин шеъри, “Оламда бир” Ошиқ Эркин шеъри, “Шайдо денглар” Сафо Очил шеъри, “Ширин” Сафо Очил шеъри, “Аста-аста” Зарифий шеъри, “Хабар юбордим” Қадам Саидмуродов шеъри, “Билиб бўлмас” Машраб ғазали, “Дастингдан” Машраб ғазали, “Қошима” Машраб ғазали, “Ишқ балосидин” Машраб ғазали, “Кел эй дилбар” Машраб ғазали, “Соғинаман” Ошиқ Эркин шеъри, “Жудолиғни” Машраб ғазали, “Соғиниб” Ишоқжон Ибрат шеъри, “Эй фалак” Машраб ғазали, “Йўқдир” Омон Матжон шеъри, “Гуллола келтирибди” Эркин Самандар шеъри, “Саломларинг ёдимда” Омон Матжон шеъри, “Ташлай-ташлай гетарсан” Махтумқули шеъри, “Ёр уёнмадинг” Сафо Очил шеъри ва “Лазги” Халқ сўзи. Отажон Худойшукуровнинг умри давомида мисқоллаб тўплаган, ва ундан бизларга етиб келган бебаҳо маънавий меросимиз бўлмиш мусиқа жавохирларини асраб-авайлаб келгуси авлодларга етказиш бугун ҳар бир ижодкор учун муқаддас бурчдир.

2. 2. “БИРИНЧИ МУХАББАТИМ”

(қўшиғининг таҳлили)

Абдулла Орипов шеъри

Отажон Худойшукуров мусиқаси.

“Биринчи мухаббатим” халқимизнинг севимли ашулаларидан бири хисобланади. Ушбу ашула мусиқаси истеъдодли хонанда Отажон Худойшукуров томонидан ёзилган ва ижро этилган. Ашула матни Ўзбекистон халқ шоири ва Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов қаламига мансубдир.

Кеча оқшом фалакда ой бўзариб ботганда,
Зухра юлдуз милтираб, хира ханда отганда,
Рухимда бир маъюслик, сокинлик уйғотганда,
Мени сени эсга олдим, биринчи мухаббатим,
Эслаб хаёлга толдим, биринчи мухаббатим.

Ўтди ёшлик завк билан, гохи тўполон билан,
Гохида яхши билан, гохида ёмон билан,
Айри ҳам тушдим баъзан қалб билан имон билан,
Лекин сени йўқотдим, биринчи мухаббатим,
Мангу ғафлатда қотдим, биринчи мухаббатим.

Дунё деган шундайин англаб бўлмас сир экан,
Гох кенг экан, гохида туйнуксиз қаср экан,
Лекин инсон, хамиша бир хисга асир экан,
Нечун билмовдим аввал, биринчи мухаббатим,
Парво килмовдим аввал, биринчи мухаббатим.

Холбуки орзулардан жудо ҳам бўлганим йўқ,
Юлдуздай кулганим йўқ, ой каби тўлганим йўқ,
Эрта хазон гул каби сарғайиб, сўлганим йўқ,
Сени эслаб йиғлайман, биринчи мухаббатим,
Эслаб бағрим тиглайман, биринчи мухаббатим.

Йўлин йўқотса одам - мухаббатга суянгай,
Ғуссага ботса одам - мухаббатга суянгай,
Чорасиз қолса одам - мухаббатга суянгай,
Мен кимга суянгайман, биринчи мухаббатим ,
Фақат эслаб ёнгайман, биринчи мухаббатим!

Нидо бергил, кайдасан, шарпангга кулоқ тутдим,
Сирли тушлар, кўриб мен бор дунёни унутдим,
Тонгда туриб номингга ушбу шеъримни битдим,
Дилдаги охим менинг, биринчи мухаббатим,
Ёлғиз оллохим менинг, биринчи мухаббатим.

Абдулла Орипов

Абдулла Орипов Қашқадарё вилояти Косон туманида дехқон оиласида 1941 йили дунёга келди. Ўрта мактабни 1958 йили олтин медал билан тугатгач, ўрта Осиё Давлат дорилфунуни журналистика бўлимига кириб, уни 1963 йили муваффақиятли битириб чиқди. 1963 йилдан буён турли нашриётларда мухаррирлик, Ёзувчилар уюшмаси котиби, муаллифлар ҳуқуқини химоя қилиш идорасининг раҳбари вазифаларида хизмат қилди.

А.Ориповнинг талабалик йилларида яратилган шеърлари республика матбуотида босилиб чиқди. 1965 йили биринчи шеърлар тўплами «Митти юлдуз» чоп этилди, шундан буён шоирнинг «Кўзларим йўлингда» (1967), «Онажон» (1969), «Рухим» (1971), «Ўзбекистон», «Қасида» (1972), «Хотирот» (1974), «Юртим шамоли» (1974), «Хайрат» (1979), «Ҳаким ва ажал» (1980), «Нажот қалъеси» (1981), «Йиллар армони» (1983) шеърӣ тўплamlари босилиб чиқди.

Айниқса, 60-йиллардан кейинги асарларида ҳаёт ва одамлар ҳақидаги жамият ва табиат ҳақидаги фалсафӣ мушоҳадаларнинг тобора чуқур тус олаётганлиги сезилади. Кучли эхтиросли туйғулар билан бадиӣ талқин бир бирига уйғунлашиб боради. Бу, бора-бора теран фикрлаш билан юксак бадиӣликнинг омуктасига айланади, шоирнинг камолотидан дарак беради. У она образини чизадими, биринчи муҳаббатга содиқ лирик қаҳрамон образини яратадими, Ўзбекистон ҳақида куйлайдими, олам ва одамлар ҳақида шеър тўқийдими, ҳамма-ҳамма ўринда ҳаёт ҳақиқати билан бадиӣ ҳақиқатга содиқ қолади. Абдулла Орипов шеъриятининг ҳозирги босқичи яна ҳам ўзгача, маънавий-бадиӣ жихатдан юксакликка кўтарилмоқда. Унинг «Ҳаж дафтари» (1992) га кирган «Ҳадис»лари ҳам буни тўла тасдиқлайди. Ҳозиргача у 50 та ҳадис-шеъръ яратган бўлса, келгусида уни юзга етказмоқчи. У мустақил Ўзбекистон мадҳиясининг муаллифи ҳамдир. Энг муҳими, унда шоир Қурони карим ва ҳадиси шарифлардаги маънавиятни қайта, замон руҳида тиклаш, янги босқичга кўтаришга интиляпти.

Абдулла Орипов истеъдодли шоир бўлганидек, истеъдодли таржимон

хамдир. У Дантенинг «Илохий комедия» асарини ўзбек тилига юксак махорат билан ўгирди. Абдулла Орипов Некрасов, Л.Украинка, Шевченко асарларини ҳам она тилига таржима қилган. Ижодкорнинг шеърӣй мажмуалари рус ва бошқа қардош халқлар тилларига таржима қилинган ва алоҳида китоб ҳолида нашр этилган. Унинг 1962 йилда матбуот юзини кўрган “Куз ҳаёллари”, 1964 йилда “Шарқ юлдузи” журнали саҳифаларида эълон қилинган “Мен нечун севаман Ўзбекистонни”, “Милтирайди митти юлдуз”, “Бургут” каби шеърлари ўз овози ва услубига эга бўлган шоир шаклланаётганлигидан дарак берди. Ўзбекистон халқ шоири (1989) Абдулла Орипов муносиб тақдирланган. У Ҳамза номидаги Республика Давлат мукофотининг лауреатидир.

Муסיқавий –назарий таҳлил.

Таҳлил қилинаётган “Биринчи муҳаббатим” ашуласи ўн икки тактик муқаддима (пауза) билан бошланади. Унинг кулминацион (авж) нуқтаси ҳам ана шу асосий қисмда жойлашгандир. Асарнинг умумий ҳажми 290 тактни ташкил қилади. Ашула жушқин садолар билан тугайди. Асарнинг фактура ёзуви, асосан, мелодик усулда ёзилган.

Асарнинг мелодикаси ҳақида суз юритар эканмиз, у типик халқ қушиги булганлиги учун ҳам халқ оҳанги юлида ёзилган. Халқ куйи асосида тўқилган куй узаро сўз билан узвий боғланган ва халқ қушиги интонацияси асосида ёзилган. Қўшиқда учрайдиган ҳар хил «сакрашлар» ҳам интонацион қийинчилик тугдирмайди.

Ушбу қўшиқ Сол- мажор ладида ёзилган. Модуляция ва тонал оғиш ҳоллари учрамайди.

Асар тоника товушлари билан бошланади. Асар асосий тонликда тугайди. Асар ўлчови 2- 4 бўлиб, асарнинг охиригача ўзгармайди. қўшиқнинг ритмикаси халқ сўзлари ва поэтик текст рифми билан боғлиқ. Асар жумлалари, асосан, чорак, нуқтали чорак, нимчорак, нуқтали нимчорак ва ўн олтиталик ноталардан иборат.

Чоракталик ва яримталик ноталар кам учрайди. Асарнинг асосий (дойра)

усули, эслатганимиздек ўн олтиталик ва нимчорак ноталар орқали берилади. (нотага қаранг 1-2 тактлар) Маълумки, ушбу ритм ўзбек халқ муסיқасининг характерли томонларидан бири. Шунинг учун ҳам ижрода унга эътибор бериш талаб қилинади. Акс холда сўзлардаги урғулар аниқ талаффуз этилмаслиги мумкин.

Асар нотасида форте, пиано, меццо пиано, меццо форте, крешчендо, диминуэндо каби динамик белгилар қўйилмаган. Асар кучли жарангдорлик (форте) да куйланади унда ижрочининг ўзи сезиши мумкинлигини кўзда тутган холда айрим крешчендо ва диминуэндо динамик белгиларини қўймайди.

Ушбу қўшиқнинг асосий темпи (ижро суръати) Тез, завқ-шавқ билан ижро қилинади. Шу ижро суръати асар охиригача давом этади, ижро суръати ўзгариш ҳолатлари, яъни «ритэнудо» учрамайди.

“Биринчи мухаббатим” ашуласи ўзининг ёқимли, шўхчан куйи, мазмундорлиги ва оригиналлиги билан характерлидир. Бу асарни анча тажрибали, юқори (тенор) овоздаги хонандалар ижро қилиши керак. Қўшиқдаги овоз кучи динамикасининг тенглигига, овоз характери (тембр)нинг бир хиллигига, товушлар чузими (ритм)ининг аниқлиги ва бирлигига, сўзларнинг бир хил талаффуз қилинишига, ижро суръати (агогик ўзгариш)даги секинлашувининг бир хил бажарилишига эришилади.

Асарда кулминация қисмининг мелодикаси устида ишлаб, интервалларнинг тоза интонациясига эришиш лозим. Бу иш муסיқанинг лад қонуниятига, ладдаги товушларнинг тортилиш қоидаларига риоя қилинган холда амалга оширилади. Мана шу қоидаларга амал қилиб иш кўрилса, бу асарда устида куп вақт сарфланмайди ва қўшиқда учрайдиган соф квартага, соф квинтага овоз сакрашлари деярли қийинчилик туғдирмайди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, яхши созга эришиш учун интервалларнинг соф интонациясига эришмоғи лозим. Ноталарни талаффуз қилганда хонандалар лад-тонликни яхши сезиши, бунинг учун хонанда тоза интонацияга эришиш учун қаттиқ овозда куйламасдан, пианода куйлаши ва

асарни ўзлаштириши маъкул. Мазкур асар натурал мажор тонлигида ёзилганлиги учун унинг интонацияси бир оз мураккаброқ.

Ашулада д и а п а з о н и унчалик катта эмас. У бир ярим октавани ташкил қилади.

Диапазони: ФА- 1-октавадан СИ- 2-октавагача.

Қўшиқ тесситураси ўрта, қулай, тесситура жихатдан деярли бир хил қулайликка эга. Қўшиқ асосан, ўрта регистрда қуйланади. Фақатгина асар кулминациясида овозинг бирмунча тесситур нотенглиги сезилади. Шунини айтиб ўтиш керакки, юқори регистр ноталарини фақат кулминацияда эҳтиётлик билан ишлатиш керак. Шунинг учун ҳам бу асар ижроси техник жихатдан унча мураккаб эмас.

“Биринчи мухаббатим” ашуласида н а ф а с куй бўлаклари ва жумлалар буйича ва паузаларда олинади. Асарнинг бошида нафас фақат паузаларда олинади. Асар авжида эса чуқур нафас олиш керак бўлади. Нафасни ҳар бир кичик жумладан сўнг олмасдан, балки катта жумлалар, мусикавий ган бўлакларига етадиган қилиб, чуқур олиш зарур. Диафрагмага олинган чуқур нафас шу мусиқанинг бўлагига етиши лозим.

Асар матни куйчан бўлганлиги учун ҳам унинг талаффузи анча қулай. Шунга қарамасдан, сўз талаффузининг тўғри ва аниқ бўлиши устида алоҳида иш олиб борилади ва сўзларининг маънавий урғуларига эътибор бериш лозим. Асар текстида учрайдиган сўз урғулари мусиқада тўғри ифодаланганлиги учун уларни аниқлаш қийин эмас, фақат «авжда» келадиган урғуларни аниқ бажариш талаб қилинади. Кулминациядаги “мухаббатим” сўзи ижросида аниқ бўлиши лозим.

Хулоса қилиб, шунини айтиш мумкинки, асар да қисқа (нимчорак ва ўн олтиталик) нота чўзимларидан фойдаланилган, мана шу кичик нота чўзим - ларининг кўп учраши дикцияда маълум қийинчилик туғдиради. Шунинг учун ҳам хонанда бунга алоҳида эътибор бериши керак. У тўғри ва аниқ сўз талаффузига эришиш билан бирга сўз талаффузи бирлигини, яъни дикцияни барпо қилиши керак бўлади. Фақат шундагина қўшиқ МАТНИНИНГ асосий

мазмунни эшитувчиларга етиб боради.

Асар ижросида товуш характери, яъни унинг «ранги» лирик жўшқин ва тиниқ бўлиши керак.

Тўғри товуш барпо қилиш учун қўшиқ айтиш кўрсатмасига эътибор қилган холда, овозни асар характериға мос («легато») қилиб тўғри йўналтирилади. Асар, асосан, тез суръатда ижро қилинса ҳам, унда овоз бир текис, боғланган холда йўлланади.

Асарни муסיқавий жумла л а ш д а унинг адабий матн мазмунидан келиб чиқамиз.

Ижрода бу муסיқавий фразаларнинг мантикий боғланишиға эътибор қилиб, асарнинг бир яхлит талқиниға эришиш зарур.

“Биринчи мухаббатим” ашуласи ижроси созанда учун кўп қийинчиликлар туғдирмайди. Аммо хонанданинг анча тажрибаға ва етарли техник тайёргарликка эға бўлиши шарт. Асарнинг тўғри талқини хонанданинг муסיқийлигига ҳам боғлиқ. Масалан, асар муқаддимаси бирмунча эркин холда ижро қилинади. Кулминация кутаринки руҳда ижро қилинади.

Хулоса

Узоқ йиллар давомида мисқоллаб тўпланган, ота-боболаримиздан бизларға етиб келаётган бебаҳо маънавий меросимиз қаторида муסיқа жавахирларини ҳам асраб-авайлаб, янада бойитиб, келгуси авлодларға етказиш бугун хар бир муסיқашунос, бастакор, ижодкорнинг муқаддас бурчига айланди. Бу эса юртимизда ёрқин ва фаровон жамият барпо этишдек эзгу орзуларға эришишда, ҳаётимизнинг янада мазмунли, ёруғ, гўзал ва мукаммал бўлишида муҳим омилдир.

Дарҳақиқат истеъдодли ўзбек хонандаси ва созандаси Отажон Худойшукуров «Ўзбекистон халқ артисти», «Татаристон халқ артисти», Туркманистон халқ артисти» ва «Қорақалпоғистон халқ артисти» унвонлари билан тақдирланган ҳамда Ҳамза номидаги Ўзбекистон, Бердақ номидаги Қорақалпоғистон Давлат мукофотларининг лауреати бўлди.

Албатта бу муаффикиятлар ўз-ўзидан бўлмади албатта

Отажон Худойшукуров санъати катта мавзу. Мазкур битирув малакавий ишдан кўзланаётган мақсад эса Отажон Худойшукуров хаёти ва ижоди билан таништириш. Ушбу ишнинг биринчи боби Отажон Худойшукуровнинг хаёти, ижоди ва у хақида хотиралар деб номланиб унда Отажон Худойшукуровнинг хаёти ва ижоди ва хофиз хақида дўст ва шогирдларининг баъзи бир хотиралари жамланган. Иккинчи боб эса Отажон Худойшукуров ижод этган кўшиқлар ва “Биринчи мухаббатим” кўшиғининг тахлили деб номланиб унда “Биринчи мухаббатим” кўшиғи тахлили қилинди ва Отажон Худойшукуров ижод этган кўшиқлардан намуналар берилди.

Дархақиқат президентимиз И.А. КАРИМОВ айтганидек мархумлар рухига бағишлаб тиловат қилиш, улар хотирасини, арвохларини яхшилик билан тилга олиш энг яхши урф-одатларимиздан биридир

Фойдаланилган адабиётлар

1. Худайберганов С. “Отажоннинг оташин қўшиқлари” Т., 2003-йил
2. Хушматов Хайдар “Отажон Худайшукуров хақида хотиралар” Т., 2008йил
3. Отажон Худойшукуровнинг шогирдлари ва дўстлари билан ўтказилган суҳбатлар, уларнинг хотиралари.
4. Шахсий хотиралар, айрим қўшиқларнинг нота ёзувлари.
- 5.“Хоразм ҳақиқати” газетасида chop этилган Отажон Худойшукуров санъатига оид мақолалар.
6. Абдулла Орипов
7. МАЪҚОЛА. Рузимбой Хасанов. («Узбекистан адабиёти ва санъати» газетаси. 1994 йил 18 март).

Мундарижа.

Режа:	
Кириш.....	
I-боб. Отажон Худойшукуровнинг ҳаёти, ижоди ва у хақида хотиралар.....	
1.1. Отажон Худойшукуровнинг ҳаёти ва ижоди.....	
1.2. Отажон Худойшукуров хақида хотиралар.....	
II-боб. Отажон Худойшукуров ижод этган қўшиқлар ва “Биринчи мухаббатим” қўшиғининг таҳлили.....	
2.1. “Биринчи мухаббатим” қўшиғининг таҳлили.....	
2.2. Отажон Худойшукуров ижод этган қўшиқлар	
Хулоса.....	
Илова	
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	

**«Ўзбекистон, Татаристон , Туркманистон ва Қорақалпоғистон
халқ артисти» Отажон Худойшукуров ижро этган
қўшиқлар рўйхати**

- “Биринчи мухаббатим” Абдулла Орипов шеъри
- “Жайхун шамоллари” Иброҳим Юсупов шеъри
- “Айрилиқ” Бердақ шеъри
- “Топмадим” Алишер Навоий ғазали
- “Дарди дилим” Огахий ғазали
- “Қувонадирман” Сайфи Нажмий шеъри
- “Сўйла гўзал, кимни севар ёрисан” Сайфи Нажмий шеъри
- “Кўринар” Омон Матжон шеъри
- “Табассум қил” Омон Матжон шеъри
- “Умр ўтар вақт ўтар” Омон Матжон шеъри
- “Эшигингдан ўтаман” Омон Матжон шеъри
- “Мухаббатимни” Ошиқ Эркин шеъри
- “Наргизларинг эй шўх” Ошиқ Эркин шеъри
- “Севдим дилоромимни ман” Ошиқ Эркин шеъри
- “Оламда бир” Ошиқ Эркин шеъри
- “Шайдо денглар” Сафо Очил шеъри
- “Ширин” Сафо Очил шеъри
- “Аста-аста” Зарифий шеъри
- “Хабар юбордим” Қадам Саидмуродов шеъри
- “Билиб бўлмас” Машраб ғазали
- “Дастингдан” Машраб ғазали

- “Қошима” Машраб ғазали
- “Ишқ балосидин” Машраб ғазали
- “Кел эй дилбар” Машраб ғазали
- “Соғинаман” Ошиқ Эркин шеъри
- “Жудолиғни” Машраб ғазали
- “Соғиниб” Ишоқжон Ибрат шеъри
- “Эй фалак” Машраб ғазали
- “Йўқдир” Омон Матжон шеъри
- “Гуллола келтирибди” Эркин Самандар шеъри
- “Саломларинг ёдимда” Омон Матжон шеъри
- “Ташлай-ташлай гетарсан” Махтумқули” шеъри
- “Ёр уёнмадинг” Сафо Очил шеъри
- “Лазги” Халқ сўзи.


































БИРИНЧИ МУҲАББАТИМ

Абдулла Орипов шеъри

Оттажон Худойшукuroв мусиқаси

Тез, завқ-шавқ билан



Ке-ча оқ-шом фа-лак- да



ой бў- зо-риб бот-ган- да



Зух-ро гол-дуз мил-ти-раб



хи-ра хан-да от-ган- да




ру-ҳим- да бир маъ-юс-лик со-кин-лик уй-





ғот-ган- да мен-се-ни эс- га ол- дим



би-рин-чи му-ҳаб- ба- тим.









чи му-ҳаб- ба- тим

Пар-во қил-мов-дим ав-



вал

би-рин- чи му-ҳаб- ба- тим



мен ким-га су-ян гай-



ман

би-рин-чи



му- ҳа-

ба-тим

